YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

2026-yil, 8-yanvar, payshanba

№4-5 (5225)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



**6 январь куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Россия Мустақил касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўзбекистонлик болажонлар учун Санкт-Петербургга унутилмас саёҳат бошланди. Сермазмун ва қизиқарли дастурга асосланган ушбу сафар 10 январга қадар давом этади.**

# ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАКДАН БОШЛАНАДИ



«Янги йил эртакдан бошланди!» – 2026 йилнинг илк кунларини шундай таърифлайди лойиҳа иштирокчилари.

Ушбу ташаббус мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва миннатдорлик рамзидир. Зеро, 2025 йилнинг ёзида «Анор» болалар оромгоҳи россиялик ўқувчиларни илиқ қаршилаб, Ўзбекистон тоғларида унутилмас ёзги таътил совға қилган эди.

Болажонлар Санкт-Петербург шаҳридаги меҳмонхонага жойлашгач, мажлислар залига таклиф этилди. У ерда ҳар бир иштирокчига дипломлар ва исмлари ёзилган курткалар топширилди. Бундай кийимда болаларга ҳам, катталарга ҳам қишнинг совуғи қўрқинчли эмас.

Россия Мустақил касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Сергей Некрасов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбариятини Янги йил ҳамда мамлакат касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги билан табриклади. Томонлар ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик рамзи сифатида эсдалик совғалари алмашдилар.

Дастурнинг илк кунида шаҳар бўйлаб экскурсия ташкил этилди. Шундан сўнг болалар Санкт-Петербург планетарийига ташриф буюрди. Кун барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирган маҳорат дарси билан якунланди.

Иккинчи кун Эрмитажга ташриф билан бошланди. Ёш саёҳатчилар у ерда тасвирий санъат асарлари, шунингдек, павильон залидаги машҳур «Товус» соати билан танишдилар. Кейин эса болалар Россия тарихи билан чамбарчас боғлиқ Юсупов саройига йўл олдилар. Экскурсия давомида уларга Юсуповлар князлик сулоласи ва айни шу залларда кечган тарихий воқеалар ҳақида сўзлаб берилди.

Кейинги кунларда иштирокчиларни яна янги экскурсиялар, сарой ва музейларга ташрифлар, янги йил тадбирлари ҳамда «Рождество» ярмаркалари кутяпти.

Бундай лойиҳалар яхши анъанага айланиши керак. Зеро, маданий алмашув – дўстликни мустаҳкамлашнинг энг самарали йўлларидан бири. Болалар ўртасидаги дўстлик нафақат катталар, балки давлатлар ўртасида ҳам ҳурмат ва ишончнинг мустаҳкам пойдеворига айланиши мумкин.

**Самира ШАЙХУДДИНОВА**

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Биз йил бошида ўтган даврдаги фаолиятимизга назар ташлаб, жиддий таҳлил этишга одатланганмиз. «Нималарга эришдик, нималарга улгура олмадик, қайси жиҳатларга эътибор қаратдигу, қай бирларини кўздан қочирдик?» деган саволлар атрофида мулоҳаза қиламиз...**



Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши ҳам шу мақсадда ташкил этилди. Унда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишидаги фаолиятни ўрганиш ва амалий ёрдам бериш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили» бўйича қабул қилган дастури ижроси, ҳудудий кенгашлар ҳамда ишлаб чиқаришдан озод этилган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш каби қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Республика кенгаши раиси ўринбосарлари Шоикром Исроилов, Баҳодир Султонов, ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассис Дилдора Алимова амалий ишлар юзасидан батафсил маъруза қилишди.

Таъкидланишича, жамоатчилик назорати давомида иш берувчилар томонидан ходимларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқлари тўла ҳимояланган. Улар учун қулай ва хавфсиз иш шароитлари яратилиб, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари мунтазам ташкил этилган. Ҳар бир ходим дастлабки даврий тиббий кўрикдан ўтказилган, шахсий ва жамоавий ҳимоя воситалари билан таъминланган.

Ишчиларга муносиб ҳақ тўлаш амалдаги меҳнат қонунчилиги нормалари доирасида ва муддатида амалга оширилиши назоратга олинган. Тармоқнинг барча ҳудудий кенгашлари меҳнат муҳофазасини ташкил этиш бўйича мунтазам ўқув семинарлари уюштириб келмоқда.

Шунингдек, йиғилишда ўтган йилги вазифалар ижроси атрофлича таҳлил қилинди. Маълумотга кўра, 5 минг 700 дан ортиқ оилага, 10 226 нафар ишчи-ходимга ижтимоий ҳимоя йўналишида 48 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланган. 1184 нафар пенсия ёшидаги шахсга нафақага чиқишидан олдин бирйўла тўланадиган моддий ёрдам ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилган. Нафақадагилар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ўзгалар парваришига муҳтож кишилар, бола парвариши билан машғул ёш оналар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун моддий ёрдамлар ажратилди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури асосида 8119 нафар тармоқ меҳнаткашининг юртимиз бўйлаб саёҳатлари уюштирилди.

Бундай мисоллар талайгина. Муҳими, жорий йилда ҳам ишчи-ходимлар манфаати йўлида амалга ошириладиган чора-тадбирларни пишиқ-пухта бажариш ва бу йўлда дадил қадам ташлашдир.

Йиғилиш сўнгида тармоқнинг барча корхона ва ташкилотларида касаба уюшмаси аъзолари сонини ошириш ва ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимояга олиш мақсадида янги касаба уюшмаси ташкилотлари тузиш бўйича Республика Ижроия Қўмита қарори қабул қилинди.

**Гулюз ФАХРИДДИНОВА**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган**

**1211**

**рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га**

**мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.**



## ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР, КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР МУҲОКАМАСИ



2-саҳифада ўқинг →



## Қўлланма: Меҳнат муносабатларида МУҲИМ ҲУЖЖАТ

3-, 4-, 5-, 6-саҳифаларда ўқинг →



## Спорт – МИЛЛАТ РУҲИЯТИНИ ТАРБИЯЛАЙДИГАН КУЧ

7-саҳифада ўқинг →

# Қўлланма: Меҳнат муносабатларида муҳим ҳужжат



## МУНДАРИЖА



| Т/р. | БЎЛИМЛАР |
|---|---|
| I. | УМУМИЙ ҚОИДАЛАР |
| II. | ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ |
| III. | МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ |
| IV. | ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ |
| V. | МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. МЕҲНАТНИ НОРМАЛАШТИРИШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ |
| VI. | МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ |
| VII. | МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ |
| VIII. | МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ГИГИЕНАСИ |
| IX. | ХОДИМЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ. ИШНИ ТАЪЛИМ БИЛАН БИРГА ОЛИБ БОРУВЧИ ХОДИМЛАР УЧУН КАФОЛАТЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯЛАР |
| X. | АЁЛЛАРНИНГ, ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРНИНГ МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА УЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР |
| XI. | ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР |
| XII. | АЙРИМ ТОИФАДАГИ ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ |
| XIII. | ҚЎШИМЧА ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР |
| XIV. | МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИ |
| XV. | МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ |
| XVI. | ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ |
| XVII. | ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ |
| XVIII. | ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК |
| | ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ИЛОВАЛАРНИНГ ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТИ |



Жамоа шартномасининг макети амалдаги жамоа шартномалари таҳлили ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг 2025 йил 18 декабрдаги бўлган ўзгаришларига мувофиқлаштирилган.

Макет матни тавсиявий тусга эга.

Давлат бюджети ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларнинг жамоа шартномалари лойиҳаларини қабул қилишдан олдин тегишли молия органлари билан келишиб олиш тавсия этилади.

48

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган

20__ йил «____»_________

Баён № _______

_______________________________________

(ташкилот ёки унинг алоҳида бўлинмасининг ёки ЯТТ номланиши)

____________ йил(лар) учун

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилар:

| Иш берувчи | Касаба уюшмаси қўмитаси раиси |
|---|---|
| ____________ | ____________ |
| (Ф.И.О.) | (Ф.И.О.) |
| 20__ йил «_____»_________ | 20__ йил «_____»_________ |

**Жамоа шартномаси ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиянинг қуйидаги аъзолари иштирокида имзоланди:**

| Иш берувчи вакиллари | Ходимлар вакиллари |
|---|---|
| 1. | 1. |
| 2. | 2. |
| 3. | 3. |

КИРҚИШ ЧИЗИҒИ

24

25

КИРҚИШ ЧИЗИҒИ

44

5

20

29

КИРҚИШ ЧИЗИҒИ

40

9

16

33

# Қўлланма: Меҳнат муносабатларида муҳим ҳужжат

IX. ХОДИМЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ. ИШНИ ТАЪЛИМ БИЛАН БИРГА ОЛИБ БОРУВЧИ ХОДИМЛАР УЧУН КАФОЛАТЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯЛАР

26

23

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2

*Жамоа шартномасига 27-илова*

**Махсус кийим-бош, санитар кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишлар бўйича касблар ва лавозимлар рўйхати**

| Т/р. | Бўлим ва ҳокази | Касб, лавозимлар номи | Берилиши керак бўлган махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларининг турлари | Ой ҳисобида кийилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |

*Жамоа шартномасига 28-илова*

**Гигиена воситаларини бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишлар бўйича касблар ва лавозимлар рўйхати**

| Т/р. | Бўлим ва ҳокази | Касб, лавозимлар номи | Берилиши керак бўлган гигиена воситаларининг турлари | Ой ҳисобида берилиш меъёри |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |

47

КИРҚИШ ЧИЗИҒИ

30

[22] Бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари, бюджет тизими бюджетларидан маблағ ажратиладиган белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар учун хизмат сафарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги Низом» билан тартибга солинади.

19

6

XVIII. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ИЛОВАЛАРНИНГ ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТИ

1. Ташкилот раҳбари ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битими.
2. Ходимларнинг касбий тайёргарлиги, уларни бошқа касбга ўргатиш, малакасини ошириш, иккинчи касбга ўргатиш ишлари тўғрисида Низом.
3. Ташкилотда касаначилик меҳнатидан фойдаланиш тартиби.
4. Танлов бўйича эгалланиши лозим бўлган лавозимлар рўйхати.
5. Танлов бўйича эгалланиши лозим бўлган лавозимларга танлов ўтказиш тартиби.

43

КИРҚИШ ЧИЗИҒИ

34

V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. МЕҲНАТНИ НОРМАЛАШТИРИШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ

15

10

XV. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

39

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

КИРҚИШ ЧИЗИҒИ

# Қўлланма: Меҳнат муносабатларида муҳим ҳужжат



*Жамоа шартномасига 22-илова*

**Тенг аҳамиятли меҳнатга тенг ҳақ тўланишини таъминлаш учун асосан аёллар ва эркаклар банд бўлган касб ва лавозимлар рўйхати**

| Т/р. | Ишчилар касблари ва хизматчилар лавозимлари номланиши | |
|---|---|---|
| | Асосан эркаклар банд бўлган касб ва лавозимлар (1-гуруҳ) | Асосан аёллар банд бўлган касб ва лавозимлар (2-гуруҳ) |
| 1. | | |
| 2. | | |
| 3. | | |
| | | |

*Жамоа шартномасига 25-илова*

**Дастлабки (меҳнат шартномасини тузаётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилишини ташкил қилинадиган касблар ва лавозимлар рўйхати**

| Т/р. | Касб, лавозим номи | Тиббий кўрикдан ўтказилиш муддати |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 1. | | |
| 2. | | |
| 3. | | |

*Жамоа шартномасига 26-илова*

**Сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқатини бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишлар бўйича касблар ва лавозимлар рўйхати**

| Т/р | Бўлим ва хизмат | Касб, лавозимлар номи | Берилиши керак бўлган сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати турлари | Ой ҳисобида берилиш меъёри |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |

46

3

22

27

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

42

7

18

31

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

38

11

14

35

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

# Қўлланма: Меҳнат муносабатларида муҳим ҳужжат

### X. АЁЛЛАРНИНГ ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРНИНГ МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА УЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

28

### VIII. МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ГИГИЕНАСИ

21

4

**Жамоа шартномасига айрим иловаларнинг намуналари**

*Жамоа шартномасига 1-илова*

**Ташкилот раҳбари ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича**

**БИТИМИ**

(20____ йил учун)

| Т/р. | Тадбирлар мазмуни | Бажариладиган иш нархи (минг сўм) | Тадбирнинг бажарилиш муддати (ҳар йили) | Тадбирнинг бажарилишига масъул шахс |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |
| | | | | |

*Жамоа шартномасига 7-илова*

**Меҳнат шароитлари ноқулай ишлар рўйхати, уларни бажаришда иш вақтининг аниқ давомийлиги, меҳнат шароитлари ноқулай ва ўзига хос ишларда, оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида банд бўлган ходимларга бериладиган ҳар йилги қўшимча таътилларнинг давомийлиги**

| № | Лавозимлар категорияси | Ҳар йилги иш вақтининг давомийлиги | Ҳар йилги қўшимча таътилнинг давомийлиги | Меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар иш вақтининг давомийлиги | Меҳнат шароитлари ноқулай ва ўзига хос ишларда, оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида банд бўлган ходимларга бериладиган ҳар йилги қўшимча таътилларнинг давомийлиги | Ҳар йилги таътилнинг умумий давомийлиги |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | | | |
| 2. | | | | | | |
| 3. | | | | | | |

45

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

32

17

8

41

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

36

13

12

### XIV. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИ

37

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

Аҳолисининг аксарияти спорт билан шуғулланишни шахсий эҳтиёж деб биладиган мамлакат ўзини спорт давлати деб аташга ҳақлидир.

Пьер де Кубертен



# Спорт – миллат руҳиятини тарбиялайдиган куч








**Ўзбек халқи азалдан спортга, жисмоний тарбияга алоҳида муҳаббат билан қараган. Бу меҳр нафақат соғлом турмуш тарзини сақлаш, балки жисмоний ва маънавий камолот, мардлик ва жасорат, интизом ва сабр-тоқатни тарбиялаш воситаси сифатида ҳам қадрланган. Ота-боболаримиз спортни ҳаётнинг ажралмас қисми, баркамол инсон омили сифатида англашган. Кураш, чавандозлик, кўпкари, камон отиш, сандон кўтариш каби машғулотлар билан мунтазам шуғулланишган. Ҳатто тўй маросимлари, байрам тантаналари ҳам спорт мусобақалари билан қизиқарли ўтган.**

**Ҳар бир спорт турида инсон қадр-қиммати, ҳалоллик, адолат устувор қадриятлар ҳисобланган. Улар нафақат соғломлаштириш, балки кундалик ҳаёт ва мудофаа учун зарур кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилган. Аждодларимизнинг спортга бўлган муҳаббати бугунги кунда ҳам ёш авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим йўл-йўриқ ҳисобланади. Қолаверса, спорт миллатимизнинг маънавий бойлиги, миллий қадриятларнинг муҳим таркибий қисмидир. Бу анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантириш нафақат спорт ютуқларини ошириш, балки миллий ўзлигимизни, қадриятларимизни ҳам асраш демакдир.**

### СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД, БАРКАМОЛ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён спорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Сўнгги йилларда бу йўлдаги қадамлар янада кучайди. Боиси, спорт соғлом турмуш тарзининг муҳим таркибий қисми бўлиши билан бирга, ёшларни тарбиялаш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, мамлакат имижини оширишнинг самарали воситаси ҳамдир.

Ушбу соҳани ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган ва бу борадаги вазифалар бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган. Хусусан, «Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, шунингдек, илмий тадқиқотларни кенгайтириш ва спорт-таълим муассасаларини модернизация қилиш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Маълумотларга кўра, сўнгги тўрт йилда бюджетдан спортга ажратилаётган маблағ 1,5 триллион сўмдан 3 триллион сўмга ошди, мураббийларнинг ўртача маоши 2 баробар кўпайди, 101 та йирик спорт объектлари янгидан қурилди, 67 таси реконструкция қилинди.

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясини «Атроф-муҳит ва яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар асосида оммавий спорт мусобақаларида аҳоли қамровини 12 миллион нафарга етказиш юклатилган эди. Спорт вазирлиги томонидан аҳолини соғлом турмуш тарзига ҳамда оммавий жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш мақсадида ўтказилган 82 045 та спорт мусобақалари ва тадбирларда 10,4 млн. нафар аҳоли, жумладан, 4 млн. нафар хотин-қиз иштирок этган.

Тизимдаги спорт-таълим муассасаларида таҳсил олувчилар сони 11 ой якунларига кўра 507 472 нафарга ошди. Мавжуд спорт мактабларида аҳоли сони ва ихтисослашувига кўра олимпия спорт турлари бўйича 302 та спорт секциялари янгидан ташкил этилди.

### ЁРҚИН ЮТУҚЛАР ВА ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАР

2025 йил Ўзбекистон спорти учун янги чўққилар, тарихий ютуқлар ва жаҳон миқёсидаги муваффақиятлар йили бўлди. Юртимиз спортчилари Осиё ўйинларидан тортиб, халқаро чемпионатларгача бўлган турли мусобақаларда мамлакат байроғини муносиб ҳимоя қилишди. Жаҳон чемпионатларида терма жамоамиз 107 та (26 та олтин, 32 та кумуш, 49 та бронза), Осиё чемпионатларида эса 584 та (192 та олтин, 175 та кумуш, 217 та бронза) медалларни қўлга киритишди. Бундан ташқари, Ўзбекистон спорт делегацияси муҳим йирик халқаро комплекс спорт мусобақаларида иштирок этди. Хусусан, июнь ойида Германияда бўлиб ўтган Бутунжаҳон ёзги «Универсиада» ўйинларида делегациямиз 5 та спорт турида иштирок этиб, 4 та олтин, 4 та кумуш ва 7 та бронза медални қўлга киритди ва умумжамоа ҳисобида 13-ўринни эгаллади.

Октябрь ойида Манама шаҳрида (Баҳрайн) бўлиб ўтган III Ёшлар Осиё ўйинларида 183 нафар спортчи иштирок этиб, 37 та олтин, 16 та кумуш, 28 та бронза медалларини қўлга киритиб, энг яхши натижани, яъни умумжамоа ҳисобида 2-ўринни қайд этишди.

Мамлакатимизда 10 та спорт тури бўйича илк бор ўтказилган Президент Олимпиадасида қатнашган 100 минг нафардан зиёд ёшлар орасидан финалгача етиб келган қарийб 3 минг нафар энг иқтидорли спортчиларимизнинг беллашувлари декабрь ойида Олимпия шаҳарчасида юқори савияда ўтказилди.

Айниқса, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк бор жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритгани халқимиз 34 йил кутган тарихий воқеа бўлди.

Бу ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ спортчиларимиз жаҳон, Осиё ва Олимпия ўйинларида 50 дан ортиқ рекорд натижаларга эришгани юртимизнинг халқаро Олимпия ҳаракатидаги ўрни ва нуфузини яққол кўрсатиб турибди.

Албатта, бундай оламшумул ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Уларнинг замирида давлатимиз раҳбари томонидан соҳага, спортчиларга, умуман, фуқаролар саломатлигига қаратилаётган эътибор ва яратилаётган кенг имкониятлар турганини дилдан ҳис этамиз. Ҳиндистоннинг Гоа штатида бўлиб ўтган шахмат бўйича Жаҳон кубогида Жавоҳир Синдоровнинг ғалабаси фикримизнинг яққол исботи бўлиши билан бирга, қалбимизда фахр туйғуларини уйғотади.

Қолаверса, 2025 йил Ўзбекистон аёллар спорти учун алоҳида муваффақиятлар йили бўлди. Аёллар футбол жамоаси илк бор Осиё Кубоги финал босқичига йўлланма олди. Баскетбол жамоаси Осиё чемпионатида биринчи марта бронза медални қўлга киритди. Ноябрь ойида Мисрнинг Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган каратэ WKF бўйича жаҳон чемпионатида 50 кг вазн тоифасида иштирок этган ҳамюртимиз Гулшан Алимардонова турнирдаги барча рақибларини мағлуб этиб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Грецияда ўтган спорт курашлари бўйича U17 ёш тоифасидаги жаҳон чемпионатининг аёллар кураши йўналишида Шоҳиста Шоназарова олтин медаль соҳибасига айланиб, аёллар курашида янги саҳифа очди.

Спортчиларнинг ютуқлари қалбларимизни тўлқинлантирган бўлса, соҳадаги кенг кўламли ишлар бизни яна янги марралар сари руҳлантирди. Эсингизда бўлса, 2022 йил 9 ноябрда Олимпия шаҳарчасига тамал тоши қўйилган эди. Ўтган йили мана шу муҳташам иншоот тўлиқ қуриб битказилди. Унинг очилишида Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Қисқа вақт ичида 100 гектардан зиёд майдонда улкан мажмуа қад ростлади. Қарийб 290 миллион долларлик ушбу лойиҳа CAMC Engineering компанияси томонидан халқаро талабларга мувофиқ амалга оширилди. Шаҳарчада 5 та асосий спорт мажмуаси жойлашган. Олимпия шаҳарчаси замонавий ва халқаро стандартларга тўлиқ мос спорт мажмуаларидан иборат. Бу ерда Ўзбекистонда илк бор қурилган ва халқаро талабларга жавоб берадиган велодром ҳам бўлиб, унда велоспорт, шунингдек, стол тенниси ва қиличбозлик бўйича машғулот ва мусобақалар ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда, 2025 йил Ўзбекистон спорти учун улкан зафарлар, рекордлар ва янги устуворликларни белгилаб берган йил сифатида ёдимизда қолди. Спортчиларимизнинг жаҳон майдонларидаги муваффақиятлари уларнинг шахсий қобилиятларинигина эмас, мамлакатимиз спорт тизимининг сифатли ўсишини ҳам исботлади.

### СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ

Юртимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бу борадаги ютуқларни ошириш билан бирга, бутун жамиятни соғломлаштириш, ёшларни буюк ва эзгу мақсадлар сари йўналтириш ва мамлакатнинг халқаро обрўсини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Сўнгги йилларда соғлом турмуш тарзини ривожлантириш чора-тадбирлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, меҳнат унумдорлигини оширишга ва ҳаёт сифатини яхшилашга ҳам хизмат қиляпти. Ўз навбатида, юртимизда бу борада мустаҳкам қонунчилик асослари яратилганини ҳам таъкидлаш лозим. Хусусан, Президентимиз имзолаган «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлар, Давлат раҳбарининг «Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида бажарилаётган кенг кўламли ишлар эътирофга муносиб.

Инсон саломатлиги – биринчи галдаги вазифа. Бу борада кунлик юриш ва югуришни ташкил этиш, «яшил транспорт»да, жумладан, велосипедда ҳаракатланишни рағбатлантириш, пластик маҳсулотлардан фойдаланишни камайтириш, озиқ-овқатлар исрофгарчилигининг олдини олиш, сув, газ ва электр энергияси ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари муҳим омил ҳисобланади.

Шунингдек, қулай атроф-муҳитни яратиш (экологик аҳвол, инсонларнинг меҳнат, яшаш ва дам олиш шароитларини яхшилаш), аҳоли саломатлигига салбий таъсир этувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг олдини олиш, эмлаш, мақсадли скрининг ва тиббий кўрикларни амалга ошириш, оқилона ишлаш ва ҳордиқ чиқариш, спорт билан мунтазам шуғулланиш, бадантарбия машғулотларини кундалик турмуш тарзига айлантириш, соғлом ва тўғри овқатланиш, ортиқча вазн ва семизликни бартараф этиш, зарарли одатларга қарши курашиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасида самарали ишлар қилинаётганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз.

Уларнинг самараси ўлароқ, юртимизда семириб кетиш даражаси 2020 йилдаги 18,5 фоиздан 2025 йил 16,2 фоизга тушган. Ўртача умр кўриш 73,5 ёшдан 75,1 ёшга ошган. 2020 йилда спорт билан мунтазам шуғулланувчилар 1,2 миллион нафар бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 3,5 миллионга етди.




*Фикримизни бежиз аждодларни ёд олишдан бошламадик. Боиси, ўзбек халқининг тарихи куч ва қудрат, донолик ва мардлик билан ёзилган. Ота-боболаримиз нафақат буюк саркардалар ва ҳукмдорлар, балки жасур спортчилар, чидамли жисмоний тарбия соҳиблари ҳам эдилар. Бу анъаналар ҳозир ҳам давом этмоқда. Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун барча шароитлар яратилмоқда. Бундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда аждодларга муносиб бўлиш ва жаҳон майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтариш ҳар бир фуқаро учун шарафдир.*

**Гулрухбегим ОДАШБОЕВА**
*«ISHONCH»*

# «ТИЛ ЭГАЛАРИ» ЛОЙИҲАСИ: ТАЪЛИМДА ЯНГИ НАФАС

**2026 йил таълим тизимида янги давр бўлиши кутилмоқда. Хусусан, 2025 йил 25 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунга кўра, 1500 нафар хорижий ўқитувчи, яъни «тил эгалари»ни жалб қилиш учун 700 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда. Бу рақам олдинги йилдаги 210 миллиард сўм билан солиштирганда деярли уч баравар кўп.**

Ушбу ташаббус «Ўзбекистон – 2030» стратегияси билан бевосита боғлиқ бўлиб, ҳар йили таълим тизимига 500 нафардан ортиқ хорижий мутахассис жалб қилиниши белгиланган. Шу тариқа мактаб ва олий таълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш сифати тубдан оширилади.

Ҳозирги кунда мактабларда инглиз тили бошқа тилларга нисбатан энг кўп ўқитилмоқда. Бу халқаро ҳамкорликда муҳим аҳамият касб этади. 2023 йилдан бошлаб, 500 нафардан ортиқ хорижий педагог «тил эгалари» сифатида инглиз, немис ва француз тилларидан дарс бериш учун жалб қилинган, 2024 йилдан яна 1500 нафар хорижлик ўқитувчи бу сафга қўшилиши режалаштирилган эди. Дарслар Буюк Британиянинг «Cambridge University Press», Франциянинг «Didier», Германиянинг «KLETT» нашриётлари дарслик ва дастурлари асосида ўтилади.

Чет эллик педагогларни жалб қилишдан кўзланган мақсад таълим сифатини халқаро стандартларга мослаштиришдир. Бошқа давлатлар ҳам шу тажрибадан кенг фойдаланмоқда. Мисол учун, Буюк Британия 2023 йил 100 минг нафардан ортиқ хорижий ўқитувчини жалб қилган бўлса, Хитойда ҳар йили 400 минг нафарғача чет тили ўқитувчиси таълим жараёнига киритилади. Ўзбекистон тажрибасида эса «тил эгалари» фаолият юритган 500 та мактабда ўқувчиларнинг тил билиш даражаси ҳудудлар бўйича ўртача 5 фоиздан 15 фоизга ошган. Бу рақамлар хорижий ўқитувчиларни жалб қилишнинг самарадорлигини яққол кўрсатади. «Тил эгалари» ҳафтасига 20 соат дарс, уч марта қўшимча тўгарак машғулотлари ўтказади ва маҳаллий ўқитувчилар учун методик тренинглар ташкил қилади. Шу тариқа педагогларимиз замонавий методларни ўрганади.

Мазкур ислоҳотнинг ижобий томонлари кўп. Аввало, хорижий педагоглар иштироки маҳаллий ўқитувчиларни дарс жараёнини доимий равишда янада интерактив қилишга ундаса, ўқувчилар ҳам фақат тил ўрганиш билан чекланмай, маданиятлараро мулоқотга киришиб, халқаро тажриба алмашадилар.

Ташкил этиладиган тренинглар маҳаллий ўқитувчиларни замонавий педагогик ёндашувлар билан таништиради, дарс жараёнида янги технологияларни қўллашга ва ўз ишига янгича қарашга ундайди. Бинобарин, «тил эгалари» лойиҳаси нафақат ўқувчиларга, балки барча педагогларга фойда келтиради.

Аммо ҳар қандай катта ислоҳот сингари, мазкур ташаббуснинг ўйлантирадиган томонлари ҳам йўқ эмас. Яъни хорижий ўқитувчилар билан ишлашда тил ва маданият фарқлари муаммолар келтириб чиқариши, баъзи ўқувчилар, маҳаллий ўқитувчилар хорижий педагогларнинг методларига тез мослаша олмаслиги мумкин. Лойиҳа муваффақияти учун улар ўртасида ҳамкорлик, ҳурмат ва тажриба алмашиш тизимини тўлиқ йўлга қўйиш зарур.

Асосий мақсад хорижий педагогларни жалб қилиш орқали таълим сифатини ошириш, ўқувчиларга тилни мукаммал ўргатиш ва маҳаллий педагогларни инновацион методлар билан таништиришдир. Бундай ёндашув боис лойиҳа узоқ муддат учун самарали ҳисобланади. Хорижий тажриба маҳаллий педагогик салоҳиятни оширади, ўқувчиларга халқаро стандартларга мос билим беради, педагогларга эса профессионал малака ошириш имконини яратади. Хорижий педагоглар ва маҳаллий устозлар ҳамкорлиги дарс жараёнига методик янгиликларни тўғри татбиқ этиш имконини беради.

Ушбу йилда амалга ошириладиган «тил эгалари» лойиҳаси Ўзбекистон таълим тизимига янги нафас олиб киради. Бу нафақат мактаб ва олий таълим муассасалари, балки бутун жамият учун фойдали. Чунки таълим сифатининг ошиши, ўқувчиларнинг халқаро миқёсда рақобатбардош билимга эга бўлиши ва педагогик тажрибани бойитиш мамлакат келажаги учун энг муҳим омилдир. Унинг шарофати ўлароқ, мактаблар ва университетлар рақобатбардош, юқори сифатли таълим берадиган марказларга айланади ва келажак авлодга янги марралар эшигини очади.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ**
*«ISHONCH»*

Ҳаётнинг қадрига етмаган одам ундан
баҳраманд бўлишга ҳам лойиқ эмас.
Леонардо да Винчи

**Тақдимот**

**Жонажон Ўзбекистонимизда қўли гул, меҳри дарё уста-ҳунармандлар кўп. 2025 йилнинг 19–21 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган III Халқаро ҳунармандчилик фестивалида қатнашиш асноси ана шундай инсонларнинг баъзилари билан танишдим.**

# ҚЎЛИ ГУЛ, МЕҲРИ ДАРЁ УСТАЛАР ЮРТИ

Ушбу тадбир учинчи бор ўтказилди ва унда дунёнинг 71 та мамлакатидан 350 нафарга яқин ҳунарманд ижодий намуналари билан қатнашди.

Махсус павильонлар оралаб, ўзбек ҳунармандлари олдига бордим. Чунки миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва маданиятимиз акс этган ҳунармандчилик буюмлари мени ҳамиша ўзига оҳанрабодек тортади.

Андижоннинг Хонободида яшовчи Майрамхон Ҳамробоева фестивалга қалб қўрини бериб, кўз нурини тўкиб тўқиган кийим-кечакларидан намуналар олиб келибди.

– Бир пиёла чой ичинг, – деган меҳрли илтифотидан сўнг онахон билан бир соатдан ортиқ суҳбатлашдик.

– 12 ёшимдан бери тўқиш билан шуғулланаман, – деди у. – Биринчи устозим меҳнат дарси ўқитувчимиз бўлган. У менга пайпоқ тўқишни ўргатган. Шу-шу ўз қизиқишларим бўйича иш юритиб келяпман.

Унинг айтишича, мустақиллигимизнинг 31 йиллигига бағишлаб, 31 килограммлик рўмол тўқиган, айни пайтда уни бирор музейга топшириш ниятида экан.

– Бунга анча вақт сарфлагандирсиз, – дейман ҳайратимни яширмай.

– Ҳа, икки йил деганда тугатдим, – дейди мамнуният билан онахон.

– Қойил-ей. Мен ўзимни ижод дунёсига ошиқман, десам, сиз мендан ҳам ўтган экансиз-ку?! Сабрингизга тасанно!

– Инсон бир нарсага қаттиқ меҳр қўйса, ундан кўнгил узолмас экан. Ўтган давр мобайнида кўплаб буюмлар тўқидим. Шогирдлар чиқардим. Касбимдан, ҳаётимдан мамнунман. Мана бундай фестиваллар эса бизни дунёга танитяпти.

Онахон билан хайрлашар эканман, Андижон тарафларга йўлим тушганда 31 килограммлик рўмолни ўз кўзларим билан кўриб, мақола ёзишни кўнглимга тугиб қўйдим.

**Назира БОЙМУРОДОВА,**
*журналист*

**Эътибор**

# «ҚУЁШ БОЛАЛАРИ»НИНГ МЕҲРЛИ МАСКАНИ



**Тонгги соат 8:00. Миробод туманидаги 282-сонли кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотига болажонлар бирин-кетин кириб келмоқда. Кимдир шошганча, кимдир бироз ҳорғин, кимдир табассум билан фарзандларининг қўлидан тутган... Тарбиячилар уларни очиқ чеҳра, меҳрли нигоҳлар ила кутиб олишмоқда. Бир қарашда манзара одатдагидай... Аммо... Кичкинтойларнинг ҳаммаси ҳам чопқиллаб, юриб кела олишмайди. Айримлари гапиролмайди. Чунки улар – жисмоний ва ақлий имконияти чекланган болалар. Хоналарига киргач, бири ногиронлик аравачаси, бошқа бири ётоқ ўринларидан жой олади.**

Муассаса раҳбари М. Муҳамедова бизни илиқ кутиб олди. Бироз суҳбатлашиб, ширингина масканнинг ҳаёт оқимига қўшилиб кетдик. Бу ерда кун ҳар доим ҳам осон, енгил ўтмайди. Боиси, ҳар бир боланинг ўзига хос характери бор. Баъзилари шовқин қилади, айримлари мусиқа тинглаб тинчланади, кўплари ўйинчоқларни ўйнаш ўрнига улоқтиради, баъзилари жойидан турмайди, юролмайди ёки гапира олмайди. Масканда аутизмга учраган болакайларни ҳам учратасиз. Биз гуруҳларда бўлдик, уларни кузатдик, яқиндан ҳис қилишга ҳаракат қилдик. Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз: бу гўдакларнинг ўзига хос дунёси бўлади, яъни одамлар билан мулоқотта киришa олмайди, лекин қандайдир алоҳида истеъдоди бор. Масалан, Муҳаммадамир исмли болакай мозаикаларни ўзи йиғади, ҳисоб-китобни қойилмақом бажаради. Уч ёш бўлишига қарамай, 1 дан 10 гача бўлган сонларни қўшиб, айира олади. Кўрган нарсасини худди ўзидай қилиб ясаб беради. Бирор ишга киришса, албатта уддасидан чиқади. Унга мозаикаларни ёйиб бердим. Ўртоқларига нисбатан бўлакларни тезроқ ўз ўрнига қўйиб чиқди.

Яна бир болакайнинг исми – Самир. У расмда кўрсатилган самолётни диққат билан кўрди-да, тарбиячи бошқа болаларга ёрдам бераёттан пайтда пластилиндан маҳорат билан қисқа фурсатда ясаб берди. Ҳайратланарлиси, ҳатто баъзи соғлом болалар ҳам бу қадар тез бажара олмайдиган ишни уддалади.

Кўплари билан суҳбатлашгим келди. Аммо бунинг имкони йўқ эди. Фақаттина имо-ишоралар билан фикрларимни етказишга ҳаракат қилдим, холос. Муҳаммадризо эшитади, тушунади, лекин гапира олмайди. Сўрадим:

– Боғча опа қаерда?

У кўзлари билан тарбиячига ишора қилди.

Лола исмли қизалоқ бироз гапира олади, эмаклайди. У билан доктор-доктор ўйнадик. Бу жуда қизиқарли бўлди. Ширинтой мени яхши кўриб қолди. Тўғрисини айтсам, улар билан умуман зерикмадим, кунни мароқли ва хушвақт ўтказдим. Боғчада нафақат аутизм, балки даун синдроми, церебрал фалажлик ва ақлий заифлик, нутқий ва руҳий ривожланишдан ортда қолиш каби касалликларга чалинган болалар ҳам бор.

Муассасадаги врач ва психоневролог бу касалликлар ҳақида гапириб беришди. Ривожланишда руҳий ва нутқий орқада қолиш, ақлий заифлик даражалари: енгил, ўрта ва ўта оғир, жами 4 босқичга бўлинади.

– Бундай касалликларни олдиндан аниқлаш мумкинми? – сўрайман улардан.

– Афсуски, ҳомила даврида имкони йўқ. Бу ҳар хил касалликлар, инфекциялар ва туғуруқ жараёнидаги травмалар сабабли юзага келади. Баъзи болалар оғриқни сезмайди. Масалан, Райҳона исмли қизалоқ ўзини ўзи тирнаб олади. Яна бир болакай бошқаларни уради, бурнини қонатади, ҳис-туйғуни англамайди.

– Уларнинг тузалиб кетишига умид борми?

– Агар даволаса, соғломлашмаса-да, яхши тарафга ўзгариши мумкин. Масалан, менинг фарзандим ҳам шу касалликка чалинган. Даволаб, ҳозирги даражага олиб келдик. Демак, яхши парвариш қилинса, ижобий натижага эришилади.

Мен бўлган ногирон болалар гуруҳида ҳаёт қайнайди. Кичкинтойлар вақти-соати билан массаж олишади, тренажёрлардаги машқлар билан банд бўлишади. Бу уларга қийин бўлса-да, аммо таянч ҳаракатлари яхши ишлаши учун жуда фойдали.

Куннинг иккинчи ярмида болаларга «Зумрад ва Қиммат» эртаги асосида тайёрланган кичик саҳна кўриниши намойиш қилинди. Тарбиячилар ролларни маҳорат билан ижро этишди. Болалар завқланиб, кўзларида ҳайрат билан мириқиб томоша қилишди.

Мени мамнун этган ҳолат тарбиячиларнинг ҳар бир бола билан алоҳида шуғулланиши бўлди. Уларнинг феъл-атворига қараб муомала қилинади.

Бу масканда «Илк қадам» мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастури бўйича олиб бориладиган вазифалар болаларнинг имкониятларига қараб мослаштирилади. Тўғри, улар ҳар хил расмларни мустақил чиза олишмайди. Шу боис тарбиячилар қўлларидан ушлаб, чизишга ёрдамлашадилар. Овқат чайнай олмайдиган болаларга қулай бўлиши учун егуликни блендерда майдалаб беришади. Кичкинтойларни ҳатто яқинларидан-да кўра яхшироқ парвариш қилишади. Болалар ҳам улар нима демоқчи эканини, нимани исташаёттанини тушунишади. Ҳа, гўдаклар кўп нарсани англамасликлари мумкин, аммо меҳрни юракдан ҳис эта олишади ва унга жавоб қайтаришга ҳаракат қилишади.

Оқшом тушди. Ота-оналар бирин-кетин фарзандларини олишга кела бошладилар. Уларнинг кўзларидан шуни англаш мумкин эди: «Ўғлим ҳали тузалиб кетади», «Қори йигит бўлади», «Тўй-томоша қиламан». Шуниси қувончли эдики, ҳеч бирининг юзида тушкунлик сезмадим. Уларда «Фарзандим тузалмайди», деган хавотир йўқ эди.

Болажонлар тарбиячи опалари билан мамнун хайрлашишди. Кўпчилиги уйга кетмайман, деб хархаша ҳам қилиб қолди. Зеро, бу маскан қуёш тафтидек ёқимли. Ҳар бир кичкинтойнинг юзидаги табассум оналари каби меҳр-муҳаббатли педагогларнинг меҳнати самараси эканини сезиш қийин эмасди...

**Адолат БАХТИЁРОВА,**
*ЎзЖОКУ талабаси*

**Муҳожирнинг кундалигидан**



## «ЎЛИБ ҚЎЯ ҚОЛМАДИ-ДА»

Бу ерда турли давлатлардан келиб ишлайдиганлар сони йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Шу сабабми, маҳаллий аҳоли бизга ҳадик билан қарай бошлади. Муҳожирларнинг кўчада тўдалашиб юриши, баланд овозда гаплашиши уларни чўчитади. Ўғриликлар, ўзаро жанжаллар тафсилотлари орасира қулоққа чалинади. Одамларга муносабатимиз ҳам бошқача, оқибат кўтариляпти.

Уйга қайтишда эсдан чиқмайдиган воқеага гувоҳ бўлдим. Самолёт баландликка кўтарилганида, ёши қирқлар атрофидаги эркак «Ҳаво етишмаяпти...», дея оҳ-воҳ қила бошлади. Стюардесса ва яна кимлардир ёрдам кўрсатишга киришди. Аммо бечора инграшда давом этарди. Шунда йўловчилардан бирининг овози баралла эшитилди: «Эртароқ ўла қолмади-да, қулоғимиз тинчирмиди?»...

## ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИГАН ТЎҒРИЛИК

Келганимга 3-4 ой бўлиб қолганди. Бошлиқ чақириб, «Сени кузатиб юрибман, ҳалол йигитга ўхшайсан, омборга эгалик қилиб, иш қуролларини тарқатасан, қабул қилиб оласан, қурилиш маҳсулотлари ҳам сен орқали чиқади». Мен рад қилдим, «Бетон қоришдан қутуласан, ойлигингни икки баробар ошираман», деган гаплар ҳам фикримни ўзгартира олмади.

Кимдир иш қуролини йўқотиб қўйса ёки қайсидир маҳсулот ғойиб бўлса, ўзим каби ризқ қидириб келганлар билан низолашгим йўқ эди. Ўша куни кечқурун вагонда овқатланаёттандик. Қурувчилардан бири завқланиб сўзларди: «Эшик ўрнатадиган устанинг тешасини ўмардим. Катта, ўткир экан, кўрсанг, қойил қоласан. Жинниси чиқиб, ўзиям икки кун қидирди, шу атрофга кўмиб қўйганман...».

## ЁМОНЛАР ҲАР ЖОЙДА БОР

Ёнимдаги ўриндиқда ўтирган йигитнинг юзи чандиққа тўла, бетининг ярми ўйиб олингандек таассурот уйғотарди. Кўзларимда акс этган бир лаҳзалик ажабланишни сездими, бошидан ўтганларини сўзлай бошлади.

«Иккинчи қаватда девор суваёттандим, прораб йўл ёқасида бошлиқ кутиб турганлигини айтиб, қўлимга қути тутқазди. Айтилган жойда бошлиқ кўринмади. Ортга қайтмоқчи эдим, қаердандир иккита полициячи пайдо бўлди. Қутида героин бор экан. «Қамаласан ёки урушга кетасан», дейишди.

Қамоқнинг қўрқувиданми, пул сабабми, аскарликка ёлландим. Одамнинг тупроқчалик қадри йўқлигини ўша ерда кўрдим. Евнинг ўқлари, снарядлари, дронларидан омон қолганларни миллатчилар отиб ташлаганига ҳам гувоҳ бўлдим.

Ёмонлар ҳар жойда бор... Гўшт қиймалагичдан омон чиқдим, уйга кетяпман, бу ерларни энди елкамнинг чуқури кўрсин...».

**Алижон АБДУСАТТОРОВ**
*«ISHONCH»*

**Бир чимдим кулги**

**Газетчиликда ўта ҳушёрлик ва масъулият билан иш юритиш талаб этилади. Мабодо, сал бепарволик қилиб, хато ўтказиб юборсангиз, анча вақтгача ўзингизни кечиролмай юришингиз тайин. Шу боис «Андижоннома» газетаси масъул котиби Ҳалимжон Тоҳиров «Доимо зийрак бўлинглар, ҳарфлар «душман»имиз, шуни унутманглар!» дея таҳририят ходимларини ҳушёрликка ундар эди.**



# «ЛАТТА» ЛЕЙТЕНАНТ

Вилоятда чиқадиган тармоқ газеталаридан бирининг Янги йил байрамига бағишланган сони саҳифаланаёттанда муҳаррирнинг қизи касал бўлиб қолади. У ишни навбатчига топшириб кетишга мажбур бўлади. Аммо навбатчи аёл охирги нусхаларни солиштириб кўришга эринади. Эри ишдан қайтишига Янги йил дастурхонини тузаши зарурлигини айтиб, уйига жўнаворади.

Эртаси куни ёнғин хавфсизлиги хизматининг газетада мақоласи эълон қилинган ходими ранги оқарган ҳолда таҳририяттa кириб келади. Газетани очиб, ўз исм-шарифи тагидаги «латта лейтенант» ёзувини кўрсатиб, «Нима бу, менда қасдларинг борми? Бутун жамоа олдида шарманда бўлдим-ку!» дейди.

Гап шундаки, газета саҳифаланаёттанида «к» ҳарфи «л»га алмашиб қолган экан. Ана шунинг оқибатида муҳаррир қўшни бинода ишлайдиган ўт ўчирувчилар йиғилишида қатнашиб, йўл қўйилган хато учун узр сўрайди.

Кейинчалик аён бўлишича, катта лейтенантнинг лақаби ҳақиқатда «латта» экан. У доимо бўшашиб юриши, фикрини аниқ-лўнда баён эта олмаслиги туфайли ҳамкасблари орасида шундай ном орттирган экан.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**
*«ISHONCH»*




Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши жамоаси кенгаш аппаратининг ишлар бошқарувчиси Ғуломжон Ваҳобович Муллажоновга волидаи муҳтарамаси
**Анорхон она Муллажонова**
вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5102

**2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.**

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:**

**Qudratilla RAFIQOV**
*(tahrir hay'ati raisi),*
**Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV** *(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),*
**Mehriddin SHUKUROV** *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
**Valentina MARSENYAK** *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – **(71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot – **(71) 256-52-89**
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – **(71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – **(71) 256-85-43**
Marketing va obuna – **(71) 256-87-73**

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** – (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati** – (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati** – (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati** – (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati** – (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati** – (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati** – (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati** – (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati** – (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati** – (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati** – (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati** – (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati** – (+998-97) 705-08-93

**Navbatchi muharrir:**
Gulruhbegim ODASHBOYEVA
**Musahhihlar:**
Dilorom XUDOYBERGANOVA
Umida XUDOYBERGANOVA
**Sahifalovchi:**
Hasan ABDUJALILOV

**Bahosi kelishilgan narxda**

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:**
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.**

**Umumiy adadi 35 382 ta**
**Shundan: 6 788 nusxasi**
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
**Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;**
**19 415 nusxasi**
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
**Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;**
**9 179 nusxasi**
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
**Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 4 bosma taboq. **Buyurtma G-111**
1 2 3 4 5 6